БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 2, 2026 йил, февраль (№ 9)

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar



АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ

“Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси билан буюк мутафаккир, давлат ва жамият арбоби, сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан хорижий давлатларда кенг қамровли маданий-маърифий тадбирлар изчил равишда ташкил этилмоқда. Мазкур ташаббус Янги Ўзбекистоннинг маърифатпарварлик сиёсати, миллий меросни асраш ва уни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга қаратилган устувор вазифаларнинг амалий ифодасидир.

2026 йил 4 февраль куни Озарбайжон Республикасининг Боку шаҳрида Навоий таваллудига бағишланган қатор нуфузли тадбирлар ўтказилди. Дастлаб, Ҳазрат Навоий ҳайкали пойига 50 нафарга яқин иштирокчи қатнашувида гулчамбар қўйиш маросими ташкил этилди. Тантанали маросимда турли давлатлар дипломатик корпуси вакиллари, олимлар, жамоатчилик фаоллари ҳамда Озарбайжонда истиқомат қилаётган ватандошлар иштирок этиб, буюк мутафаккир хотирасига юксак эҳтиром изҳор этдилар! Унинг жаҳон тамаддуни ва туркий адабиёт тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси яна бир бор эътироф этилди.

Шундан сўнг Озарбайжон Фанлар академиясида 100 нафаргаяқинанжуманаҳлииштирокидаилмийконференция бўлиб ўтди. Анжуманда Навоийнинг давлатчилик ғоялари, инсонпарварлик қарашлари, комил инсон тарбияси борасидаги таълимоти, шунингдек, унинг туркий тил ва адабиёт ривожидаги ўрни атрофлича таҳлил қилинди. Илмий маърузаларда Навоий мероси бугунги глобаллашув шароитида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани, аксинча, халқлар ўртасида маънавий кўприк вазифасини бажараётгани алоҳида таъкидланди.

Озарбайжон Республикаси Фанлар академияси президенти, академик Исо Ҳабиббейли ўз нутқида Ҳазрат Навоий шахсияти ва меросига юксак баҳо бериб, қуйидагиларни таъкидлади:

“Ҳазрат Навоийдек улуғ зотнинг ворислари маънан бой, руҳан тетик бўлиши шарт. Навоий фақат Ўзбекистон адабиётининг эмас, балки бутун туркий дунёнинг маънавий пешвосидир. Озарбайжон халқи ҳам уни Низомий Ганжавий ва Фузулий сингари буюк алломалар қаторида юксак эъзозлайди. Бундан бир аср муқаддам айнан шу бинода унинг 485 йиллиги юксак эҳтиром билан нишонлангани ҳам бунга яққол далилдир. Шу боис, Ҳазрат Навоийни барча туркий халқларнинг умумий маънавий устози, деб айтиш тўла асослидир!”

Ушбу фикрлар Навоий меросининг умумтуркий ва умумбашарий аҳамиятини янада ёрқин намоён этиб, туркий халқлар ўртасидаги маънавий яқинлик ва тарихий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда унинг ўрни беқиёс эканини тасдиқлади.

Тадбирлар доирасида Озарбайжонда истиқомат қилувчи ватандошларни бирлаштириш мақсадида “Алишер Навоий номидаги ўзбек ватандошлари жамияти” ташкил этилди. Жамият фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Фонд томонидан 50 га яқин номдаги бадиий адабиётлар, миллий либослар ва чолғу асбоблари тақдим этилди. Бу эса хориждаги ватандошлар ўртасида миллий ўзликни сақлаш, она тил ва маданиятга меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

9 февраль санасидан бошлаб Қозоғистон Республикасида ҳам кенг қамровли тадбирлар ташкил этилди. Бир қатор мактабларда бадиий-маърифий кечалар ўтказилиб, ўқувчилар томонидан Навоий асарларидан намуналар ижро этилди. Шунингдек, 1000 турдан ортиқ бадиий адабиётлар, миллий либослар ва чолғу асбоблари етказиб берилди. Тадбирлар 1000 нафардан ортиқ иштирокчиларни қамраб олди.

▼ Davomi 2-betda

VATANDOSHLAR

2026 йил, февраль

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar

Boshi 1-betda

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ



11 февраль санасидан эътиборан Тожикистон Республикасида ҳам Навоий таваллудига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ўзбек мактабларида бадиий кечалар ташкил этилди, 1100 турдаги бадиий адабиётлар етказиб берилди. Ушбу тадбирлар ҳам минг нафардан ортиқ иштирокчиларни қамраб олиб, ёш авлод қалбида буюк аждодимиз меросига ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлади.



Шунингдек, Афғонистон Ислом Амирлигига Фонд томонидан ишчи гуруҳ юборилиб, Ҳазрат Навоий мақбараси зиёрат қилинди ҳамда ҳудудда ободонлаштириш ва тозалик ишлари амалга оширилди. Бу хайрли амал буюк аждодимиз хотирасига эҳтиром ва садоқат рамзи сифатида алоҳида маънавий аҳамият касб этди.





Юбилей муносабати билан “Ижодий ишлар” (назм, наво, саҳна ижодкорлиги, тасвирий санъат ва иншо йўналишлари бўйича) хориждаги ватандошлар ўртасида ижодий ишлар танлови ҳам ўтказилди. Танловга 300 дан ортиқ ижодий ишлар келиб тушди. Ҳакамлар ҳайъати баҳолаши ва очиқ овоз бериш натижаларига кўра ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ушбу танлов Навоий ижодига бўлган қизиқишни ошириш, ёшлар ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва маънавий муҳитни бойитишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси, Малайзия, Туркманистон, Туркия, Қирғизистон ва бошқа қатор давлатларда ҳам Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилмоқда.

Умуман, мазкур тадбирлар Алишер Навоийнинг бебаҳо адабий-маънавий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, туркий халқлар ўртасидаги маънавий бирлик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг маърифатпарварлик ва маданий дипломатияга асосланган сиёсатининг изчил ва самарали амалга оширилаётганининг ёрқин ифодасидир.

***

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,.
Ёр ўлунг бир-биринғизгаки, эрур ёрлиғ иш.

***

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

МИР АЛИШЕР

Тирикликнинг бонги Навоий,
Буюкликнинг ранги Навоий.
Бир ёришди зим-зиё олам,
Туркийларнинг тонги Навоий.
Беш асрлик рўёдир дунё,
Беш асрлик ўнги Навоий.
Бир уммонким, ибтидоси йўқ,
Йўқдир унинг сўнги — Навоий.
Ўтган сайин илдамлаб кетгай,
Борган сайин янги Навоий.
Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий.

Сирожиддин Саййид,
Ўзбекистон халқ шоири



***

Навоий бўлмоқ учун,
Патдан қалам йўндирдим.
Чопон кийдим сал узун,
Бошга салла қўндирдим.

Сотиб олдим бир жуфт шам,
Вазирбоп пар ёстиқча.
...Энди фақат талант кам,
Ва хотин ҳам ортиқча.

Анвар Обиджон,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯНГИ ЖАМИЯТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Бугунги кунда хорижий минтақаларда истиқомат қилаётган ватандошларни бирлаштириш, уларнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ўзбек халқига хос бой маданий мерос, тил ва анъаналарни келгуси авлодларга етказиш йўлида турли ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, хориждаги ўзбек диаспораси фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Жорий йилнинг 5 февраль куни “Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси билан Озарбайжонда истиқомат қилиб келаётган ўзбек ватандошларни бирлаштириш мақсадида муҳим ташаббус амалга оширилди. Унга кўра, буюк мутафаккир ва шоир Ҳазрат Навоий шарафига “Алишер Навоий номидаги ўзбек ватандошлари жамияти” ташкил этилди ҳамда ҳамкорлик меморандуми тузилди.

Мазкур тадбир таъсис йиғилиши шаклида ўтказилиб, унда Озарбайжонда яшаб келаётган ватандошлар, шунингдек, Фонд ходимлари ҳамда бир қатор илм ва ижод аҳли иштирок этди. Йиғилиш давомида жамиятнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб олинди, келгусида амалга ошириладиган маданий, маърифий ва ижтимоий лойиҳалар муҳокама қилинди. Қатнашчилар жамият фаолияти орқали ватандошлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш муҳим эканини таъкидладилар.

Янги ташкил этилган жамиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан 50 дан ортиқ бадиий адабиётлар, чолғу асбоблари ҳамда миллий либослар тақдим этилди. Бу эса жамиятнинг дастлабки фаолиятини самарали ташкил этиш, турли маданий тадбирлар ўтказиш ва ёшларни жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Алишер Навоий номидаги ўзбек ватандошлари жамияти” Озарбайжоннинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи юртдошларни бирлаштириш, уларнинг тили, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш, шунингдек, ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилади. Шу билан бирга, жамият икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши кутилмоқда.

Ушбу ташаббус хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва миллий бирликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида аҳамият касб этади.

Абдурауф Зокиров

УЛУҒ ТАВАЛЛУД – БИРДАМЛИК ОМИЛИ

Ўзбек халқи тарихи ва маънавий меросида буюк алломалар, шоир ва давлат арбобларининг ўрни беқиёс. Улар қолдирган илмий, адабий ва маънавий мерос нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам миллат маънавиятини бойитишда, ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ана шундай улуғ сиймолардандир. Улар нафақат ўзбек адабиёти ва маданияти, балки бутун Шарқ тамаддунига улкан ҳисса қўшган.

Алишер Навоий туркий тил адабиётини янги босқичга кўтарган буюк шоир сифатида эътироф этилса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат шоир ва ёзувчи, балки давлат арбоби, тарихчи ва буюк саркарда қиёфасида ҳам жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган. Уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ёш авлодга етказиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 543 йиллиги муносабати билан халқаро миқёсда “Ижодий ишлар танлови” эълон қилинди. Ушбу танлов дунёнинг турли давлатларида яшаб келаётган ватандошлар ўртасида ўтказилиб, миллий маданият ва адабиётга бўлган қизиқишни янада кучайтиришга хизмат қилди.

Мазкур ижодий танловнинг асосий мақсади – буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, ижоди ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, хорижда яшаб келаётган ватандошлар ўртасида миллий қадриятларга бўлган эҳтиромни мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Бугунги глобаллашув даврда турли мамлакатларда истиқомат қилаётган ўзбек диаспораси вакиллари учун миллий ўзликни сақлаш, она тил ва маданиятга бўлган муҳаббатни асраш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай ижодий танловлар нафақат маданий тадбир, балки маънавий бирлашув майдони сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Танлов орқали иштирокчилар ўз ижодий салоҳиятини намоён этиш, миллий адабиёт ва санъатга бўлган муносабатини ифодалаш имкониятига эга бўлдилар. Айни пайтда, бу жараён ёш авлодни миллий меросга яқинлаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Танловга дунёнинг турли нуқталарида яшаб келаётган ватандошлардан жуда катта қизиқиш билдирилди. Жумладан, 700 дан ортиқ иштирокчилар томонидан турли йўналишларда ижодий ишлар тақдим этилди. Бу эса танловнинг халқаро миқёсда катта аҳамият касб этганини яна бир бор кўрсатади.

Тақдим этилган ишлар мазмун жиҳатидан ҳам, бадиий томонлама ҳам ранг-баранг бўлиб, иштирокчиларнинг ижодий салоҳиятини яққол намоён этди. Улар орасида шеърлар, саҳна асарлари, наво, тасвирий санъат намуналари ҳамда Навоий ва Бобур шахсиятига бағишланган эссе ва иншолар мавжуд бўлди.

Davomi 4-betda

VATANDOSHLAR

2026 йил, февраль

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar

Boshi 3-betda

Ҳар бир йўналиш иштирокчиларнинг турли ижодий қобилиятларини намоён этишга хизмат қилди. Масалан, назм йўналишида иштирокчилар Навоий ва Бобурнинг руҳий олами, уларнинг адабий мероси ва ҳаёт фалсафасини шеърий образлар орқали ифода этдилар. Наво ва сахна ижодкорлиги йўналишида эса саҳна кўринишлари, бадиий чиқишлар ва ижодий композициялар тақдим этилди.





Тасвирий санъат йўналишида иштирокчилар буюк алломаларнинг портретлари, тарихий лавҳалар ва рамзий тасвирлар орқали ўз ижодий қарашларини ифода этдилар. Иншо йўналишида эса Навоий ва Бобурнинг ҳаёти, ижоди ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилди.

Танлов иштирокчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда учта тоифада ўтказилди:

7 ёшдан 15 ёшгача;

15 ёшдан 30 ёшгача;

30 ёшдан юқори иштирокчилар.

Ҳар бир ёш тоифасида иштирокчилар учта совринли ўрин учун беллашдилар. Бундай тартиб иштирокчиларга тенг шароитда рақобатлашиш имкониятини яратди.

Танловга келиб тушган барча ижодий ишлар тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Ҳакамлар ишларга холис ва адолатли баҳо беришга алоҳида эътибор қаратдилар. Баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг ижодий ёндашуви, мавзуни очиб бериш даражаси, бадиий маҳорат ва оригиналлик каби мезонлар асосий ўрин тутди.

Натижада 700 дан ортиқ иштирокчилар орасидан 90 га яқин ижодий ишлар ғолиб деб топилди. Бу эса танловнинг юқори даражада ўтганини ва иштирокчиларнинг ижодий фаоллиги катта бўлганини кўрсатади.

Мазкур ижодий танлов нафақат иштирокчилар, балки бутун ўзбек жамоатчилиги учун ҳам катта маънавий аҳамият касб этди. Чунки бу каби тадбирлар орқали буюк аждодларимиз мероси янада кенг тарғиб этилади.

Айниқса, хорижда яшаб келаётган ёш авлод учун бундай танловлар миллий ўзликни англаш, тарих ва маданиятга бўлган қизиқишни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Танлов иштирокчилари ўз ижодий ишлари орқали Навоий ва Бобур шахсиятига бўлган ҳурмат ва муҳаббатини намоён этдилар.

Шу билан бирга, бундай тадбирлар турли мамлакатларда яшаб келаётган ватандошлар ўртасида маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Умумий маданий мерос атрофида бирлашиш эса миллатнинг жаҳон миқёсидаги бирдамлигини янада кучайтиради.


Хулоса қилиб айтганда, “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур ижодий танлов буюк алломаларимиз – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини тарғиб қилишда муҳим қадам бўлди.

700 дан ортиқ ижодий ишлар келиб тушгани, улардан 90 га яқини ғолиб деб топилгани мазкур танловнинг кенг қамровли ва самарали бўлганини кўрсатади. Танлов иштирокчилари турли ижодий йўналишларда ўз салоҳиятини намоён этиб, миллий маданиятимиз ва адабиётимизга бўлган чуқур ҳурматини намоён этдилар.

Бундай ташаббуслар келгусида ҳам давом эттирилиши, янада кенг қамровли халқаро лойиҳаларга айланиши муҳимдир. Зеро буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш ва уни келажак авлодга етказиш ҳар биримиз учун муқаддас бурч ҳисобланади.

Яҳёхон Маҳмудов





Муассис: **“Ватандошлар”** жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари: **Одилжон Саттаров**

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров

Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз: 100090, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй

Қабулхона (55) 502-22-99 E-mail: gazeta@vatandoshlar.uz Veb-sayt: www.vatandoshlarfondi.uz